O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 16 сентябрь, № 183 (4082) Шанба

Узумини енг, боғини ҳам суриштиринг

Тўрақўрғон туманидаги "Соҳил-Пино-Мускати" агрофирмаси Президентимизнинг шу йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида ташкил этилганди. Агрофирма таркибида 276 та фермер хўжалиги, "Соҳилобод-Мулкобод" ММТПси ҳамда Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси аъзолари ўзаро бирлашишган.

Етиштирилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда уни истеъмолчиларга тайёр ҳолда етказишда агрофирма ер эгаларига яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Хусусан, Наманган шаҳридаги "Дўстлик" бозорида қурилган савдо дўкони, пойтахтда ташкил этилаётган ярмаркалар орқали шаҳарликлар сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Шу кунларда узумзорлардан ҳосилни йиғиб олиш ишлари қизғин паллага кирди. Бу йил агрофирма кўмагида 1400 тонна узумни қайта ишлаш, 400 тоннасини эса ички бозорга сотиш режалаштирилган. Маҳсулот етиштирган фермер хўжаликлари бирма-бир шартнома режасини уддалашмоқда.

СУРАТДА: "Йўлдош-Акмал-Зокиржон" фермер хўжалиги аъзоси Гўзалхон Муҳитдинова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида барпо этилган Маданият ва санъат кўргазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган, дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган бой тарихий мероси, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ноёб дурдоналари ва бугунги ютуқларидан кенг жамоатчиликни янада кўпроқ баҳраманд этиш, ушбу соҳанинг қадимий анъаналарини асраб-авайлаш, ҳозирги кун талаблари билан уйғун ҳолда ривожлантириш ва ҳар томонлама тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бадиий академия, ижодий уюшмалар ва маданий жамоатчилик вакилларининг:

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Алишер Навоий номидаги миллий боғ ҳудудида барпо этилган янги санъат кошонасига «Маданият ва санъат кўргазмаси» деб ном бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин;

қурилиш-ободонлаштириш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етгач, Маданият ва санъат кўргазмаси биноси Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги балансига бепул ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Маданият ва санъат кўргазмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маданият ва санъат соҳасидаги бебаҳо меросини намойиш қилиш, унинг миллий ва умумбашарий маданият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш;

— тасвирий, амалий ва халқ ҳунармандчилиги санъати йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар асарлари асосида миллий истиқлол, эркин ва фаровон ҳаёт ғояларини тараннум этадиган, анъанавий санъатимиз ва қадриятларимизга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини уйғотадиган, доимий янгиланиб турадиган кўргазмалар ташкил этишни йўлга қўйиш;

— мамлакатимиз ва хориждаги етакчи бадиий галереялар ва кўргазмалар билан ҳамкорликда турли мавзудаги кўргазмалар уюштириш;

— халқимизнинг бой тарихи, урф-одат ва анъаналари, бугунги жўшқин ҳаёт манзаралари, юртимиз одамларининг сиймолари, уларнинг орзу-интилишларини ҳар томонлама чуқур акс эттирадиган бадиий фотокўргазмалар ўтказиш;

— маданият ва санъатимизнинг машҳур намояндалари, ёш ижодкорлар, рассом ва ҳайкалтарошлар, ҳунарманд усталар, фотографлар, созандалар билан суҳбатлар, ижодий учрашувлар ўтказиш, миллий ва жаҳон мумтоз санъати намуналарини намоён этадиган ихчам концерт дастурлари ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

Маданият ва санъат кўргазмасининг фаолияти ҳақидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Молия вазирлиги билан биргаликда амалдаги меъёрларга мувофиқ Маданият ва санъат кўргазмасининг штатлар жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2006 йил сентябрь ойидан бошлаб Маданият ва санъат кўргазмаси биносидан фойдаланиш, уни сақлаш ҳамда жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларга, унинг асосий фаолиятидан тушадиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда, давлат бюджетидан маблағ ажратсин;

2006 йилда Маданият ва санъат кўргазмаси биносидан фойдаланиш, уни сақлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларни давлат бюджетида маданият соҳаси учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин;

республика бюджетининг тасдиқланган харажатлар кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 14 сентябрь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрикларимни йўллашни шараф деб биламан.

Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ўзаро манфаатли ва дўстона алоқалар қарор топган. Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд икки томонлама ва халқаро микёсда олиб борилаётган ҳамкорлик ва ишончли алоқалар халқларимиз тинчлиги йўлида ривожланиб бораверади, деб таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Д-р Х.Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО,
Индонезия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Камбожа халқи ва шахсан ўз номимдан табриклар йўллаш мен учун катта шараф.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқининг порлоқ келажаги йўлидаги эзгу ишларингизда ва тарихий вазифангизни адо этишингизда улкан зафарлар, ўзбек халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида мавжуд дўстона алоқалар ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул этгайсиз.

Нородом СИХАМОНИ,
Камбожа Қироли.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни муносабати билан Мьянма ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва эзгу тилакларни изҳор этаман.

Тан ШВЕ,
Мьянма Иттифоқи Тинчлик ва Тараққиёт Давлат Кенгаши Раҳбари.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Босния ва Герцеговина Президиуми ва шахсан ўз номимдан Сизга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда халқига қутловлар йўллайман.

Ишончим комилки, Босния ва Герцеговина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик мамлакатларимиз фаровонлиги, бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари,

Сизга сиҳат-саломатлик ва омонлик, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса тинчлик ҳамда равнақ тилаб қоламан.

Сулаймон ТИХИЧ,
Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Микромолиялаш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2006 йил

Қирқиш чизиғи

19-модда. Микрокредитни ва микроқарзни муддатидан илгари қайтариш

Қарз олувчи олинган микрокредит ёки микроқарз суммасини муддатидан илгари қайтаришга ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

20-модда. Қарз олувчи мажбуриятларининг кафолат берувчи ва кафил томонидан бажарилишини таъминлаш

Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил қарзни қайтариш муддати тугагач, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг биринчи талабига биноан шартномага мувофиқ қарз олувчининг қарзини тўлаши шарт.

21-модда. Ҳужжатларнинг сақланиши

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 15 сентябрь
№ ЎРҚ – 50

ичига олиши керак.

9-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларнинг манбалари

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади.

10-модда. Микромолиявий хизматлардан фойдаланиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотга микромолиявий хизматлардан фойдаланиш учун буюртма (бундан буён матнда буюртма деб юритилади) ҳамда ўз фаолияти ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатлар тақдим этади.

11-модда. Буюртма

Буюртмада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

юридик шахс учун — унинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

жисмоний шахс учун — унинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи бошқа ҳужжати) серияси ва рақами, доимий яшаш жойининг манзили, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор учун — қўшимча равишда солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

микромолиявий хизматларнинг суммаси, тури, мақсади, бундай хизматлар кўрсатиш муддатлари ва объекти;

буюртма берувчининг фаолият тури ва даромадлари.

Буюртма буюртма берилган сана кўрсатилган ҳолда буюртма берувчи томонидан имзоланади.

12-модда. Буюртмани кўриб чиқиш

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот буюртмани олганидан сўнг ўн иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида ёки микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Буюртма микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилаётганда қуйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

буюртма берувчининг даромадлари етарлилигини аниқлаш;

буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги;

микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот буюртма берувчига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

13-модда. Шартнома

Буюртмани кўриб чиқиш натижаларига кўра микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот ва қарз олувчи ўртасида шартнома тузилади.

Шартнома ёзма шаклда тузилади.

14-модда. Шартноманинг мазмуни

Шартномада қуйидагилар назарда тутилган бўлиши керак:

микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжати) серияси ва рақами, доимий яшаш жойи манзили (якка тартибдаги тадбиркор учун қўшимча равишда солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари кўрсатилади) ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

микромолиявий хизматнинг умумий суммаси, мақсади ва объекти;

фоизлар ёки лизинг тўловлари миқдори;

микромолиявий хизмат кўрсатиш, микромолиявий хизмат бўйича асосий қарзни қайтариш, шунингдек фоизлар ва лизинг тўловларини тўлаш тартиби ва муддатлари;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги;

шартноманинг амал қилиш муддати;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ шартномада бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

15-модда. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Шартнома шартлари, агар қонун ҳужжатларида бош-

Буклаш чизиғи

Тарих ва миллий мафкура

Мустақиллик янгича тараққиёт, турмуш тарзи ва фикрлаш имконини яратди ва тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар ила из қолдирди. Шунингдек, истиқлол бизга бевосита фуқаролик жамиятини қарор топтириш, янги тарихий шароитда ўзбек миллий давлатчилигига асос солиш, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил амалга ошириш имконини берди.

ХОЛИС ҚАРАШ, ҲАҚҚОНИЙ ИФОДА ЙЎЛИДА

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этилганига ўн йил бўлди

Дарҳақиқат, халқимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида кутилмаган муаммоларни енгиш, мамлакатни жар ёқасидан қайтариб, тараққиёт йўлига олиб чиқишга эришди. Бу бевосита бош ислоҳотчи — давлат ва ўз келажагига ҳамда раҳнамосига қатъий ишонган эл иродасининг маънавий қудрати эди.

Мамлакатимиз ўзининг кенг имкониятлари, ички ва ташқи сиёсати билан тез орада жаҳон ҳамжамияти диққатини ўзига тортди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзи ҳал қилишга қодирлигини кўрсатди ва дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштирок этиши мумкинлигини намоён этди.

Мустақиллик ўтмишга янгича назар билан қараш, тоталитаризм шароитида сохталаштирилган тарих, ғайриинсоний мафкурага қурбон қилинган ғоятда бой маданият, топталган миллий ғурур ва нафсониятни қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган фан ва мафкура соҳасида туб бурилиш ясашни тақозо этарди. Ана шу вазифани амалга ошириш мақсадида Юртбошимиз Ислом Каримов 1996 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказини ташкил этиш тўғрисида фармойишни имзолади. Унда «Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафкуравий маҳдудликдан холи бўлган концепцияни ишлаб чиқиш бўйича кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

талаштиришдан озод бўлган ва мутелик руҳиятидан поклланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган Мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганишни амалга ошириш» белгилаб берилди.

Мазкур илмий-тадқиқот маркази, мана ўн йилдирки, самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тўпланган мутахассислар ва тадқиқотчилар мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган оламшумул жараёнлар ва уларнинг аҳамиятини кўрсатиш асосида мамлакатимизнинг янги тарихини ёзиш ва ўрганишини ташкил этиш; юртимизнинг янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, илмийлик ва бошқа умумбашарий тамойилларга асосланган ҳолда ўтмишни сохталаштириш, мафкуравий маҳдудликдан холи бўлган концепцияни ишлаб чиқиш бўйича кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик даври тарихини яратиш, бу зиддиятлар, курашлар ва изтиробларга тўла қисқа, аммо ниҳоятда мураккаб тарихий жараён динамизми ва драматизмини яхлит тарих ҳолига келтириш, уни тизимли тадқиқ этиш ва бутун моҳиятини очиб бериш, энг аввало, мустамлакачилик даври тарихини тўғри ва ҳаққоний ёритиш зарурати мавжуд эди. Ана шу мақсадда уч гуруҳдан иборат йирик мутахассислар «Ўзбекистоннинг янги тарихи» туркумида учта монография яратишга киришишди. Биринчи китоб — чоризм даври тарихи, иккинчиси эса шўро даври мустамлакачилиги тарихи сифатида бутунлай янги қарашлар, янги манбалар, ўрганиш ман этилган ҳужжатлар асосида вужудга келди. Учинчи гуруҳ эса «Мустақил Ўзбекистон тарихи»ни яратиш билан шуғулланди.

Дарқақиқат, мустақиллик моҳиятини инсон шаъни ва қадру-қиммати, яшаш ҳуқуқини муҳофаза этиш орқали янада теран англаш мумкин. Шу жиҳатдан «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» ва «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» номли китобларнинг илмий-тарихий аҳамияти каттадир.

Мустақиллик даври тарихи узлуксиз жараённинг давоми ва бутунлай янги даврнинг солномаси сифатида юзага келди. 37 босма тобоқ ҳажмдаги 560 бетлик «Мустақил Ўзбекистон тарихи» китоби мустақиллик учун кураш, унинг изтироблари, ички ва ташқи қарама-қаршиликлар, турли мафкуравий тазйиқлар ва зўравонликларни сиёсий-маънавий ирода билан енгиш жараёнларини қамраб олди. Жумладан, унда мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, янги жамиятга ўтиш давридаги сиёсий ислоҳотлар, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, миллий қадриятларнинг тикланиши, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши сингари масалалар кўламли ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган истиқлол ва ўзига хос тараққиёт йўли, мустақил давлат ҳуқуқий асосларининг яратилиши ҳамда конституциянинг қабул қилиниши масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Мустақил Ўзбекистон тарихи иқтисодий соҳадаги туб ўзгаришлар, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш, ижтимоий соҳалар, фан, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалда татбиқ этиш бевосита ислоҳотлар ташаббускори ва раҳнамоси Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли жараён сифатида эътироф этилди.

Марказ олимлари томонидан мустақиллик даври тарихи сиёсий, иқтисодий, маънавий ва тарихий жиҳатдан турли йўналишларда тадқиқ этилди. Натижада ўн йил мобайнида 50 га яқин китоб — рисола, қўлланма, дарслик, монография ва илмий-оммабоп асарлар юзага келди. Жумладан, «Тарих фалсафаси», «Истиқлол ва тарихий жараён», «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти», «Авесто», «Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари», «Матбуот ва маънавий мерос», «Истиқлол матбуоти ва соқиқ-ирон Амир Темур», «Қадимги Ўрта Осиё тарихи», «Ўзбекистон давлат бошқаруви тарихи», «Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии», «Тафаккурдаги эврилиш», «Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси, амалиёти» сингари кўплаб китоблар ва монографиялар маънавиятимиз мулкига айланди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун, академик лицейлар ва касб-қунар коллежлари ўқувчилари учун миллий истиқлол даври тарихи дарслик сифатида яратилди. «Ижтимоиёт асослари» номли қўлланма ҳамда «Шахс ва жамият» дарсликлари ҳам чоп этилди. «Ўзбекистон тарихи» дарслиги 5 та тилга, «Инсон ва жамият» дарслиги эса 7 та тилга таржима қилинди.

Айтиш мумкинки, мустақиллик даври ҳали тўла тарихга айланиб улгурмаган, жараёнлар изчиллик билан давом этаётган, вақт ўтгани сайин уларнинг моҳияти кенгроқ очилиб, тарихий аҳамияти ошиб бораётган воқеликдир. Демак, бундай тарихий жараён айни бир пайтда фалсафий тафаккур, мантиқий мушоҳада, ижтимоий тадқиқотлар ва маънавий-маърифий янгиланишлар билан узвий боғланган бўлади. Иқтисодий билим ва ҳуқуқий онг ислоҳотлар самарадорлигини оширадиган, мустақиллик моҳиятини бойитадиган манбадир. Шунинг учун мустақиллик даври тарихини яратиш ўта масъулиятлилик ва мавжуд жараёнларга кенг миқёсда қараш, унинг туб моҳиятини англаш ҳамда турли турдош тадқиқот усулларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Марказ ходимлари, олимлари ва мутахассислари айни пайтда халқимиз тарихини бутунлай янги қарашлар, талаблар ва мезонлар асосида яратиш, унинг янгидан-янги номаълум саҳифаларини очиш, тарих ҳақиқатини тиклашга бутун имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Ўтган ўн йиллик давр Марказ ходимлари учун тараққиёт, ривожланиш даври бўлди. Зотан, ана шу даврда тарихга янгича, холис қарашлар шакллланди. Тарихни тиклаш тажрибалари тўпланди. Янги тарихни яратишнинг ўзига хос мактаби вужудга келди. Чегара билмас ижодий жараён ва илмий изланишлар эса давом этмоқда.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор.

Ўзбекистон жаҳон матбуоти нигоҳида

Жамият ва иқтисодиёт ривожи учун мустаҳкам пойдевор

«Иқтисодий ўсиш — 15 йиллик муваффақиятлар исботи» — Японияннинг етакчи нашрларидан бири — **«The Japan Times»** республикамизнинг Мустақиллик кунига бағишлаб эълон қилган мақола ана шундай номланади. «Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит боис мамлакатга хориждан тўғридан-тўғри келаётган хусусий сармоялар ҳажми ошиб бормоқда, — деб ёзади газета. — Ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга энг замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар ва ноу-хаунинг жалб этилиши экспорт ва ташқи савдо айланмаси тузилмасини сезиларли даражада ўзгартириш имконини берди. Жумладан, мустақиллик йилларида пахта толасининг экспорт товар тузилишидаги улуши 56 фоиздан 19 фоизгача қисқарди, шу билан бир вақтда металлургия тармоғининг улуши 6 фоиздан 12 фоизга ошди. Умуман олганда эса 2005-2006 йилларда маҳсулот ва хизматлар экспорти 1,6 баробарга ўсди», — дея таъкидлайди япон нашри.

Жанубий Кореянинг **«The Korea Times»** газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри йўлида» сарлавҳали мақолани чоп этди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон мустақиллиги кунида сўзлаган нутқидан кўчирмалар келтирган нашр, хусусан, бундай деб ёзади: «Чуқур ўйланган ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнлари иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда сўнгги йилларда аҳолининг яшаш даражасини ошириш учун мустаҳкам асос яратди».

Эроннинг **«Tehran Times»** газетаси саҳифасида эълон қилинган мақолаларда, ИРНА ахборот агентлигининг хабарларида сўнгги йилларда Эроннинг Ўзбекистон билан товар айланмаси сезиларли даражада ошгани, 1999 йилда 40 миллион АҚШ долларига тенг бўлган кўрсаткич 2005 йилга келиб 470 миллион долларга етгани таъкидланади.

«Айни пайтда Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатини намойиш этмоқда. Жумладан, охирги йилларда мамлакатда бу кўрсаткич учдан бир қисмга ошди, ўртача иқтисодий ўсиш суръати йилига салкам 7 фоизни ташкил этаётир», — деб ёзади **«Kuwait Times»** газетаси. Ўзбекистоннинг мана шу ва бошқа ютуқлари ҳақида Кувайтнинг — **«Ас-Сияса», «Ал-Ватан», «Ар-Раъй ал-Аам», «Ал-Анбаъ», «Ал-Кабас»** ва **«Араб Таймс»** нашрлари саҳифаларида батафсил ҳикоя қилинади.

Афғонистоннинг **«Анис»** давлат ижтимоий-сиёсий кундалик нашри «Ўзбекистон тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун очиқ» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда нашр мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларига атрофлича тўхталган. Кобул ва Афғонистоннинг 12 вилоятига тарқалувчи **«Падидар»** газетаси эса истиқлол йилларида Ўзбекистондаги юксалишларни тасвирловчи статистик маълумотлар асосида мақола чоп этган.

Миср оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллигимизнинг 15 йиллигини кенг ёритди. Ушбу мамлакат марказий телевидениесининг биринчи канали Ўзбекистонга бағишланган кўргазманинг очилиши ҳақида телерепортажни намойиш этди. МЕНА ахборот агентлиги «Тошкент араб дунёси билан алоқаларни мустаҳкамламоқда» сарлавҳали ахборотни тарқатди. **«Ал-Гад»** газетаси эса «Ўзбекистонда кенг кўламли демократик ислоҳотлар», деб номланган мақола эълон қилди. Унда юртимиз ташқи сиёсатида, аввало, миллий манфаатларга, бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралиши таъкидланади.

Замира АЗИЗХОНОВА.
«Жаҳон» АА.

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қуйи палата **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси**нинг кеча бўлиб ўтган йиғилиши «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақида»ги масалага бағишланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Президентимизнинг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тизимдаги муносабатларни тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинган. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун ва Юртбошимизнинг мазкур соҳани ислоҳ қилишга қаратилган фармонлари ижроси борасида муайян ишларни амалга оширган.

Хусусан, қонуннинг 29,30,31-моддалари ижросини таъминлаш мақсадида республикада кенг миқёсли замонавий шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилган. Юртимизда 4 та ихтисослаштирилган тиббий марказ (урология, кўз микрохирургияси, кардиология ва жарроҳлик) барпо этилган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилган. Бунда нафақат давлат бюджети маблағларидан, балки хорижий инвестициялардан ҳам фойдаланилган.

Бироқ ҳозирги кунда даволаш-профилактика соҳасида самарали ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти давомида ўрганилган ҳужжатлардаги маълумотларга кўра, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари айби билан беморлар ҳуқуқларининг поймол этилиш ҳолатлари қайд этилди. Реализация қилинаётган дори воситалари аксариятининг сифат сертификатлари йўқ. Рецепт талаб қилинмайди. Пойтахтимизнинг айрим кўчаларида дорифурушлар «қора бозори» иш юритаётгани ачинарли ҳолдир. Шу билан бирга, айрим вилоятларда кадрлар тақчиллиги сезилмоқда, талаб ва эҳтиёж юзасидан жойлардаги ҳокимият органлари билан масаланинг ечимини топишга қаратилган ҳамкорлик ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда мазкур масала юзасидан депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг таклиф ва мулоҳазалари тингланди ҳамда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу куни Қонунчилик палатаси **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси**нинг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидландики, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш борасида Самарқанд вилоятида қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Самарқанд техник радио назорат станцияси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Радиочастота спектри фойдаланувчиларга тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида берилмоқда. Радиотўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда радиочастоталар спектри мониторингини олиб бориш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шу билан бирга, вилоят ҳудудидаги айрим ташкилотлар ва фуқаролар томонидан радиочастотадан рухсатсиз фойдаланиш ҳоллари ҳамда радио воситаларини олиб кириш ҳолатлари мавжуд. Радиотелевизион узатиш марказидаги айрим техник ускуналарнинг маънавий эскиргани телерадио эфирининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Депутатлар, сиёсий партиялар фракцияси аъзолари, мудофаа вазирлиги, божхона ва солиқ қўмиталари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Салим ДОНИЁРОВ.

ЯНГИ КИЧИК КОРХОНА

Касби туман «Пилла» масъулияти чекланган жамияти қошида пиллани қайта ишлайдиган кичик корхона иш бошлади. Унда шу йил охирига қадар 5 тонна пиллага дастлабки ишлов берилади. Ўттиз нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган сифатли толага буюртмалар туша бошлади.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Буклаш чизиғи

қача қоида назарда тутилмаган бўлса, тарафларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Қарз олувчи фойдаланилмаган микромолиявий хизмат суммасидан воз кечиш ҳақида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотни шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичида ёзма равишда хабардор этиш орқали мазкур суммадан воз кечишга ҳақли.

Қарз олувчи кўрсатилган микромолиявий хизматдан шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида қарз олувчини ёзма равишда хабардор этиш орқали шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

Ёзма хабар топширилган ёки почта орқали жўнатилган сана мазкур ёзма хабар юборилган сана ҳисобланади.

16-модда. Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари билан танишиб чиқиш;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Қарз олувчи:

микромолиявий хизматдан фойдаланиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши;

олинган мақсадли микрокредитдан шартномага мувофиқ белгиланган мақсадда фойдаланиши;

мажбуриятларни шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Қарз олувчи қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қирқиш чизиғи

баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Микрокредит қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилиши мумкин.

5-модда. Микроқарз

Микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

6-модда. Микролизинг

Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир.

Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Ушбу Қонунда қарз олувчиларга нисбатан белгиланган қоидалар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланувчи лизинг олувчиларга нисбатан қўлланилади.

7-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар

Банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлардир.

8-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари

Микромолиявий хизматлар микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ кўрсатилади.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартларини, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш миқдори, муддатлари ва ҳақи тўғрисидаги маълумотларни ўз

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Микромолиялаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун уларнинг молиявий маблағлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Микромолиялаш

Микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

4-модда. Микрокредит

Микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг

Буклаш чизиғи

шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан бажарилишини таъминлаш шарти асосида ёки шундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатиш;

буюртма берувчига микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш;

микромолиявий хизмат кўрсатиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буюртма берувчидан сўраб олиш;

тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ёхуд мақсадли микрокредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот:

буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;

шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қарз олувчига қоплаши шарт.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Қарз олувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

Қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши:

банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;

учинчи шахсларнинг кафиллиги;

мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари ҳамда қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланади.

Қарз олувчининг даромадлари ҳажми, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишининг қарз олувчи томонидан тақдим этилган таъминоти олинган микромолиявий хизмат суммасини қайтариш ва мазкур хизмат бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлиши керак.

ХВЖ маърузаси

Халқаро Валюта Жамғармаси дунё иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги янги маърузани эълон қилди. Жамғарма мутахассисларининг фикрича, жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш аввал қилинган башоратлардан бироз юқори бўлади ва бу йил 5,1 фоизни, келаси йил эса 4,9 фоизни ташкил этади. Аммо бу ижобий жараёнларга инфляция босими, нефть нархлари ҳамда АҚШдаги пасайиш таъсир қилиши мумкин. Ҳар ярим йилда ҳавола этиладиган маърузада айни пайтда 70-йиллардан буён кузатилмаган тўрт йиллик глобал ривожланиш алоҳида таъкидланади. Бироқ нефть нархлари етакчи иқтисодиёт бўлмиш – АҚШга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. ХВЖ экспертлари бу мамлакат 2006 йилда 3,4 фоиз, 2007 йилда эса 2,9 фоиз ўсишга эришишини тахмин қилмоқда. Маърузада Хитой ва Ҳиндистон, Жанубий Корея, Индонезия сингари Осиё давлатлари етакчиликни сақлаб қолиши айтилади. МДҲ, хусусан, Марказий Осиё минтақасидаги барқарор ўсиш суръатлари сақланиб тургани ХВЖ маърузасида ижобий ва кутилган ҳолат сифатида алоҳида тилга олинган.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Ал-Қоида»даги иккинчи шахс йўқ қилинди

Ироқ Ички ишлар вазирлиги мамлакатдаги «Ал-Қоида» гуруҳида иккинчи шахс бўлган Абу Жаъфар ал-Либий йўқ қилинганини маълум қилди. Reuters хабарида айтилишича, у шу йил Абу Мусаб ал-Заркавий ўлдирилгач, ташкилот етакчилигини қўлга олган Абу

Айюб ал-Масрийнинг ўринбосари эди. Ироқ ИИВ вакили Абдул Карим Халафнинг маълум қилишича, полициячилар айнан шу амалиёт чоғида ташкилотнинг яна 4 нафар аъзосини йўқ қилишга ва 2 жангарини қўлга олишга муваффақ бўлишди. Тинтувлар пайтида бир тоннадан зиёд портловчи модда топилди.

Хато харитада экан

Бир неча кун аввал Ливандаги БМТ кузатувчилари пости Исроил армияси томонидан бомбардимон қилинган эди. Мамлакат ҳарбийлари ички текширувлардан сўнг хатолик нотўғри харита туфайли бўлган, деган хулосага келди. Исроил Ташқи ишлар вазирлиги вакили Марк Регевнинг баёнотида айтилишича, аслида жанг майдонида қўлда чизилган харита аслига мос эмас экан.

Текширувда аниқланишича, БМТ кузатувчилари турган пост харитада «Ҳизбаллоҳ» базаси сифатида қайд этилган. Кузатувчилар бир неча бор ўзларига ўқ ёғдирилаётгани ҳақида Исроил ҳарбийларига хабар берган, бироқ бу огоҳлантириш авиация қўшинларига негадир етиб бормаган.

Эслатиб ўтамиз, 25 июль куни ракета-бомба зарбалари натижасида БМТнинг Ливандаги австриялик, канадалик, финляндиялик ва хитойлик 4 кузатувчиси ҳалок бўлган эди.

МАГАТЭнинг мактуби

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) АҚШ ҳукумати ва Конгрессига норозилик мактуби йўллади. Reuters агентлиги мухбири қўлига тушиб қолган бу мактубда 23 август куни Қўшма Штатлар парламентида ўқилган Эрон ядро дастури бўйича маърузадан норозилик баён қилинган. Агентлик раҳбарияти Эрон бўйича инспекторлар тўплаган маълумотлар атайин салбий бўёқларда баён қилинаётгани, бузиб кўрсатилаётганидан кескин норози бўлмоқда. Масалан, агентлик инспекторлари ўз хулосасида Эрон АЭС учун ёнилғи даражасидагина уранни бойитаётганлиги айтилса, худди шу ҳолат Конгрессдаги маърузада Эрон ядро қуроли учун хом ашё тайёрламоқда, деб талқин қилинган. Исми маълум қилинмаётган ғарблик дипломатнинг фикрича, Эрон масаласида ҳам аввал Ироққа қўлланилган усул, яъни маълумотларни ўз манфаатларига буриш ҳолати бир неча бор яққол юзага чиқди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ зудлик билан Эрондаги ядро дастурини бутунлай тўхтатишни талаб қилмоқда. Расмий Теҳрон эса ядро энергетика соҳасини мустақил ривожлантириш ҳуқуқига эга эканлигини даъво қилиб, ушбу дастур фақат энергетик мақсадларга қаратилганини исботлашга уринаяпти.

Қўшилмаслик ҳаракати саммити

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот Қўшилмаслик ҳаракати саммитида қатнашиш учун Кубага ташриф буюрди. Унинг сафари бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки саммит иштирокчилари расмий Теҳроннинг атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш дастурини ҳимоя қилувчи Декларация қабул қилишни режалаштирган. Аҳмадинажотнинг яқинда жарроҳлик столидан турган Куба президенти Фидель Кастро билан ҳам учрашиши кутилаяти.

Сўнгги чора кўрилди

Париждан шимолий-ғарбда жойлашган Лима шаҳридаги почта бўлимида беш кишини гаровда ушлаб турган шахс Франция махсус полициясининг томонидан отиб ташланди, деб хабар беради France Press ахборот агентлиги. Махсус амалиёт чоғида наркотик таъсири остида бўлган ва иккита пистолет билан қуролланган 25 ёшли жиноятчи жиддий жароҳатланди ва кейинроқ шифохонада жон берди. Маҳаллий маъмурият вакилларининг айтишича,

гаровдагиларнинг ҳеч бирига шикаст етмади. Дастлабки маълумотларга қараганда, у почта бўлимини тунамоқчи бўлган ва режа амалга ошмагач, одамларни гаровга олган. Бўлим ходимлари уч соат гаровда сақланди ва полиция сўнгги чора сифатида жиноятчига ўқ узди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» аҳоли ҳамда мижозларнинг талаб ва илтимосларини инобатга олган ҳолда

«Шодиёна»

деб номланган муддатли омонатига маблағлар қўйиш муддатини **1 октябргача** узайтирилганлигини маълум қилади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу омонатга **3 ой** муддатга энг камида **100 000 сўм** маблағ қўйилади ва йиллик **24 фоиз** ҳисобидан даромад тўланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» тасарруфидаги барча жамғарма кассалар дам олиш кунларисиз ва тушликсиз ишламоқда. Иш вақти соат 20.00 гача узайтирилган.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Сизнинг манфаатингиз — бизнинг мажбуриятимиз!

Маълумот учун телефонлар: 120-45-24, 136-06-54.
www.uzpsb.uz

3262R/1730

Қарор ва ижро

Фермерларимиз нафақат хомашё етиштирувчи, балки тайёр маҳсулот етказиб берувчи тадбиркор сифатида ҳам шаклланиб бормоқда. Бу жараёнда илғор технологияга катта эҳтиёж сезилиши табиий. Президентимиз Ислом Каримов 2006 йил 24 августда қабул қилган «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фермерларга ва деҳқон хўжаликларига бу борада кенг имкониятлар эшигини очди.

ФЕРМЕРЛАР ЗАВОД ҚУРСА...

Мазкур қарор асосида жорий йилнинг 10 ноябридан пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг мунтазам ишлайдиган кўргазма-савдоси ташкил этилади.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобиловнинг айтишича, ўз хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш истагида бўлган фермерлар жуда кўп. Шу боис Италиянинг помидорни вакуум асосида қайта ишлайдиган, Германиянинг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидан шарбат олувчи, Россиянинг чорвачилик соҳасидаги технология ва ускуналарининг кўргазмадан жой олиши аграр соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Кўргазмани ўтказишдан мақсад ҳам фермер ва деҳқон хўжаликларини ана шундай арзон ва қулай минитехнологиялар билан таъминлашдан иборатдир.

Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдода минитехнологиялар борасида юксак натижаларга эришган юзлаб хорижий фирма ва компанияларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этиши кутилмоқда.

Сайёра ШОЕВА (ЎзА).

Орамиздаги одамлар

Ҳар бир гўшада ўзининг таниқли, шу атрофдагиларга меҳрли кишиси бор, албатта. Бундайлар одатда ўша ерликларнинг чуқур ҳурматини қозонган бўлишади. Фаридахон Мадалиева ҳам ана шундайлардан. Поп шаҳрида уни кўпчилик яхши танийди. У ҳам меҳрибон она, ҳам тажрибали ҳуқуқшунос, ҳам самимий маслаҳатчи. Иш фаолиятини нотариал идораларида бошлаган. Устозлар раҳнамолигида иш ўрганди, ўқиб олий юридик маълумотга эга бўлди. Аввалларги иш ўрганувчи, кейин оддий нотариус, сўнгра катта нотариус сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозир хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора раҳбари.

МЕҲНАТ БИЛАН ЎЛЧАНУР УМР

Биз ҳикоя қилаётган бу аёл ишлаётган идора шаҳар марказининг «Ўзбекистон» кўчасидаги икки қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган. Кўча томонидаги деворда «Нотариус» деган ёзувни ўқийсиз. Ичкарига кирар экансиз ёруғ, озода ва шинам хоналар, компьютерда ишлаётган қиз эътиборингизни тортади. Бу ердагилар сизни «Қандай хизмат бор эди?» дея илиқ кутиб олишади. Ниятингизни билишгач, сизни эшигига «Нотариус» деб ёзиб қўйилган хонага рўбарў қилишади. Бу хонада Фаридахон сизга очиқ чеҳра ва табассум ила пешвоз чиқади. Мақсадингизни тинглаб ҳужжатларингиз билан танишиб чиққач, нотариал ҳаракатларни қонун йўлида амалга оширишга киришади. Агарда ҳужжатларингизда бирор камчилик ёки ноаниқликлар бўлса, уларни қаерда ва қандай қилиб тўғрилаб келиш юзасидан аниқ маслаҳатлар беради. Мижозлар унинг хонасидан доимо диллари шод бўлиб чиқишади.

Хусусий нотариус билан суҳбатлашар эканмиз, унинг оғир-босиқлиги бизда яхши таассурот қолдирди. Стол устида турган республикамизнинг турли қонунлари, юридик нашрлар ва бошқа қўлланмалар унинг ўз устида ишлашидан, ҳуқуқий билимини эса тинмай ошириб бораётганидан далолатдир. Ҳуқуқшунослар оламига қандай кириб қолганини сўраганимизда у камтарлик билан мактабда ўқиб юрган пайтларда бу соҳага ҳаваси уйғонганини билдирди. Отаси марҳум Узоқбой ака Мадалиев ҳам тажрибали ҳуқуқшунос бўлган. У Тошкент давлат университети юридик факультетини тамомлаган. Аввалларги турли идораларда ҳуқуқшунос маслаҳатчи, суд ижрочиси бўлиб ишлаган. Поп туман халқ суди раиси вазифасини бажарувчи, вилоят суди аъзоси, Наманган туман халқ судининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. Узоқбой ака иш даврида баъзан қизалоғини ўзи билан бирга олиб юрар экан. Ота касбига бўлган муҳаббат унда эҳтимол ана шу кезларда уйғонган бўлса ажаб эмас.

1962 йили ўрта мактабни битиргач Фаридахон ота изидан бориб Тошкент давлат университети юридик факультетига ўқишга киради. Уни муваффақиятли тамомлаб чиққач, фаолиятини Наманган шаҳридаги 1-давлат нотариал идорасида иш ўрганувчиликдан бошлади. Катта нотариуслар Абдуметин Эгамбердиев ва Маҳмуджон Мадраҳимовлар унга бу касб сирини, одамлар билан қандай муомалада бўлишни ўргатишар, ўзи ҳам қонунларни айниқса, «Нотариат тўғрисида»ги Қонунни тинмай ёд олар эди. Устозлар қиздаги ҳавас, астойдил ҳаракат ва қатъиятни кўриб ундан яхши ходим чиқишига ишонч ҳосил қилишади. Улар айтганча бўлди. Шаҳарда бир неча йил иш ўрганган, бу соҳада бир мунча тажриба тўплаган қиз вилоят адлия бошқармаси томонидан Поп туман давлат нотариал идорасига нотариус этиб ишга юборилади. Бу вазифада ҳам у кўп йил фаолият олиб борди. Кейинчалик унга шу идорада катта нотариус бўлиб ишлашни лозим кўришади. Бу лавозимда ҳам у ўз қобилиятини намоён қилиб ишончга сазовор бўлди.

Мустақиллигимиз туфайли кўпчилик қатори Фаридахонга ҳам омад кулиб боқди. Айниқса, қонун асосида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораларининг ташкил этилишидан у жуда мамнун бўлди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўтказилган танловда қатнашиб ғолиб чиқди. Унга вазирлик томонидан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус бўлиб ишлашга оқ фотиҳа берилди. Ва 2000 йилнинг 1 июнидан шу соҳадаги фаолиятини бошлади. Ўшанга ҳам бир неча йил бўлиб қолди.

— Давлат нотариуси ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора ўртасида қандай фарқ бор?

— Деярли фарқ йўқ деса бўлади, — жавоб қилди у ўзини жиддий тутиб. — Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар амалга оширадиган ҳаракатлар аниқ кўрсатилган. Масалан, битимларни, васиятномаларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш, ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш ва бошқа ишлар шулар жумласидандир. Қонуннинг 24-моддасида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ушбу қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширажаклари қатъий белгилаб қўйилган.

— Бунда таъқиқлар ҳам борми?

— Қисман бор, албатта. Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўйиш ва таъқиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш бизнинг иш фаолиятимизга кирмайди.

— Мана сиз хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотиариус мақомига эгасиз. Ғоят масъулиятли бу вазифада ўзингизни қандай ҳис этасиз? Аниқроғи, чўчимайсизми?

— Саволингиз ўринли, — гапида давом этди Фарида. — Ортимдан юзлаб одамлар кузатиб, елкамдан оғир юк босиб тургандай ҳис этаман ўзимни. Ҳужжатларда янглишиб қолмасам бўлгани, деб юраман. Устозларим менга доимо ҳушёр бўлишни, ҳужжатларни синчиклаб ўрганишни, бунда қонундан четга чиқмасликни кўп насиҳат қилишган. Отам эса: «Дўстингдан ажрасанг ҳам қонундан ажрама, у доимо йўлдошинг бўлсин», деганлар. Фаолиятимда ана шу насиҳатларга амал қилиб келаман.

Агар киши ўз касбини северда ҳам ишимиз битмас экан-да!» деб чиқиб кетишган экан.

Фаридахон синчков, ўз ишига содиқ ходима, вазифасининг жавобгарлигини яхши англайди. Мурожаат этган фуқароларга тўғри йўл кўрсатади. Бир куни унга поплик К. мурожаат этиб ҳовли-жой сотиб олмоқчи эканлигини айтиб, олди-сотди шартномаси қайси тартибда тузилажагини, бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлишини сўрабди. Нотариус унга маслаҳат бериб олди-сотди шартномаси фақат нотариал идорасида расмийлаштирилишини маълум қилибди. Шу билан К. кўринмай кетибди. Орадан йиллар ўтгач у яна идорага хомуш кириб келибди. Нотариусга танишидан оғзаки тарзда тузилган шартномага асосан ҳовли-жой сотиб олишга келишганини, пулини бергандан сўнг мулк эгаси «анамана» деб ҳовлини бўшатмаганини, охири фирибгарлик йўлига ўтиб, «бор, кимга айтсанг айтабер, мен сен билан «олди-сотди» қилмаганман, пул ҳам олмаганман», деб туриб олибди. Оқибатда судбозлик бошланибди. Суд ўртада оғзаки тарзда «олди-сотди» шартномаси тузилган бўлса, гувоҳ топиб келишликни буюрибди. Шу сабаб у нотариал идорага қадам ранжида қилган экан. Фаридахон жабрланувчининг суд ишида қатнашибди ва К. аввал шу масалада нотариал идорасига мурожаат қилганини айтибди. Суд икки фуқаро ўртасида бўлган оғзаки шартномани ҳақиқий деб топиб ишни жабрланувчи фойдасига ҳал қилибди. Суднинг қарори билан ҳовли-жой фирибгардан жабрланувчига ундириб берилибди. Ушанда, «олди-сотди» шартномаси нотариал идораси орқали амалга оширилганда бундай сарсонгарчилик содир этилмас эди.

Айниқса, аёл киши учун фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, уй-рўзғор ва идора юмушларини адо этиш осон эмас. Лекин мустаҳкам иродали Фаридахон бунинг уддасидан чиқиб юрган. Аёл боши билан уч қизни тарбиялаб вояга етказди. Зилола олий маълумотли ўқитувчи, Ҳилолахон олий маълумотли муҳандис, ҳозирда ўсмирлар мактабида ишлайди. Гуллола онаси билан бирга иш юритувчи бўлиб хизмат қилади, тугалланмаган олий маълумотли. Унинг ҳам мақсади бобоси ва онаси каби ҳуқуқшунос бўлиш.

— Вилоятимизда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар кўп, — дейди Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нурмуҳаммад Ҳакимов. — Ўттиз тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган Фаридахон Мадалиева уларнинг сараларидан ҳисобланади. У ўз ишини мукаммал билади. Нотариал ҳаракатларни етти ўлчаб бир кесган ҳолда бажаради. Унинг томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг бирортаси судларда бекор қилинмагани ўз ишининг устаси эканидан далолат беради. Биз сафимизда ана шундай тажрибали нотариус борлигидан фахрланамиз. Унинг фаолияти бошқалар учун ибратдир.

Қаҳрамонимиз барча касбдошларининг меҳрига сазовор бўлган. Ҳамма жойда унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. «Ишбилармон, суяги нотариал идорада қотган», деб таърифлашади. Чиндан ҳам, у ана шу мақтовларга муносибдир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ва бошқа мукофотлари билан бир неча маротаба тақдирлангани унинг самарали меҳнатига берилган юксак баҳодир.

— Аёлларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун Президентимиздан чексиз миннатдорман, — деди пировардида Фаридахон Мадалиева. — Келгусида халқимга, Ватанимга ҳалол хизмат қилиш, фаолиятимда кўзимиз, юзимиз ҳисобланган қонунга қатъий риоя этиш учун ҳаракат қилавераман.

Ҳа, мақоламиз қаҳрамони тўғри гапни айтди. Чиндан ҳам қонун инсоннинг кўзи ва юзи. Ишида унга амал қилган ҳеч қачон адашмайди, юзига доғ тушмайди.

Эркин ҚАМБАРОВ.

СУРАТДА: Фаридахон Мадалиева нотариал идораси ходимларига Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунга киритилган қўшимчалар ҳақида тушунтириш бераётган пайт.

МАКТАБ

Бахтга нарвон, билимга кон эрур мактаб,
Заковат донига хирмон эрур мактаб.
Ўғил-қизлар, ўқинг улкан мурод кўзлаб,
Зиё топмоқ учун имкон эрур мактаб.
Ўқинг, минглаб аҳли доно керак юртга,
Яна Бобур, Ибн Сино керак юртга.

Навоий сўзни зар этди илм истаб,
Бухорий эл кезиб ўтди илм истаб.
Риёзиёт шоҳи бўлди Хоразмий,
Улуғбек юлдузга етди илм истаб.
Ўқинг, Фарғоний, Ҳувайдо керак юртга,
Беруний, Термизий, Кубро керак юртга.

Неча ёвдан қақшаган бу азиз тупроқ,
Қадим жанглар гувоҳи ҳар дала, сўқмоқ.
Буюк юрт тарихин англаб, ғурур тўпланг,
Мард бобонгиз Темурбекдек туринг оғоҳ.
Ўқинг, идрокли посбонлар керак юртга,
Широқ янглиғ паҳлавонлар керак юртга.

Суриб даврон, Ватанда хон бўлинг доим,
Қадоқсўл бу элга дармон бўлинг доим.
Шаҳар тикланг, очинг дунё сари йўллар,
Номи беш қитъада достон бўлинг доим.
Ўқинг, онгли қизу ўғлон керак юртга,
Қодирий, Нодира, Чўлпон керак юртга.

Қунт ила қирқ ҳунар олмоққа шаҳд айланг,
Шамолдан ҳам шакар олмоққа шаҳд айланг.
Замондан-да юриб илғор, бўлиб кошиф,
Ҳар илмдан самар олмоққа шаҳд айланг.
Ўқинг, қудрат ила шуҳрат керак юртга,
Маърифатга ташна миллат керак юртга.

Маърифатсиз элат мақсадда жам бўлмас,
Маърифатли ўлка ётга қарам бўлмас.
Агар мактаб қуёш эрса, илм нурдир,
Фикрсиз бош ичра ҳаттоки шам бўлмас.
Ўқинг, фикри ёруғ авлод керак юртга
Ва эртанги тараққиёт керак юртга.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Карам ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: "Саҳобийлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Одамларнинг энг карими ким?" — деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Одамларнинг энг карими Аллоҳ таолодан қўрқувчироғидир", дедилар. Улар: "Ё Расулуллоҳ, биз уни сўрамадик",

дейишди. Расулуллоҳ: "Одамларнинг каримроғи ҳазрат Яъқуб пайғамбар ўғли ва Иброҳим халилуллоҳнинг набираси ҳазрат Юсуф пайғамбар (а.с.)дирлар", дедилар. Улар яна: "Бизнинг саволимиз бу ҳақда ҳам эмас эди", деганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сиз арабларнинг маъдани қабилалари ҳақида сўраётган бўлсангиз керак, жоҳилият замонида ким яхши бўлган бўлса, Ислом динини қабул қилиб, уни яхши ўрганиб ва шунга мувофиқ амал қилса, уларнинг яхши номи — каримликлари давом этаверади", — дедилар.

Етим тарбиялаганнинг фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бева хотинлар ва мискинлар рўзғорига (ёрдам қилиш учун) ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида... кундузи рўзадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилардек савобга эгадир", дедилар".

Етим асраган хонадоннинг хайри

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилганлар: "Бир етимни боқиб олган мусулмон хонадони хайрликдир. Мусулмон хонадонининг энг ёмони етимни хор қилган хонадондир. Етим боққан киши мен билан мана шу икки бармоғимдек жаннатда бирга бўлади".

Кишилар орасидаги муҳаббат ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Менинг нафсим қўлида бўлган зот номи билан қасамёд қиламан, сизлар мусулмони комил бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсиз. Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирларингизга муҳаббат қўймоғингиз шарт. Ўрталарингизда муҳаббат пайдо бўлиши учун саломни ошкора беринг ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз, чунки жаҳл тарашлагувчидир, яъни у сочни тарашламайди, балки динни тарашлайди", дедилар".

А.ИБРОҲИМОВ
тайёрлади.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Бу йил мамлакатимизда бир нечта қутлуғ саналар нишонланади. Жумладан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи...Қадимий шаҳарларимиздаги бир неча асрларга тенгдош обидалар, нилий гумбазлар мозийдан сўзласа, биз фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар уларнинг яқин ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади.

Замину замон кўзгуси

Мазкур архив уч асрдан зиёд даврга дахлдор ҳукуматга оид тарихий ҳужжатларни ўзида мужассамлаштирган. Жумладан, истилочиларнинг Туркистонга бостириб келиши, ўзбек халқининг озодлик учун курашлари, Туркистон генерал-губернаторлигининг марказий ва маҳаллий корхоналари ҳақидаги кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб ҳужжатлар мавжуд. "Бухоро амирининг Шаҳрисабзга ташрифи", "Худоёрхоннинг Кармана ва Шаҳрисабзга ташрифи", шунингдек, "Бухоро — Қарши станциялари оралиғида автойўллар очилиши"га доир тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар борки, уларнинг барчаси буюк тарихимизнинг яқин ва узоқ ўтмишидан ҳикоя қилади.

Эътироф этиш керак, ЮНЕСКО иштирокида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигининг нишонланиши, Марғилон шаҳри юбилейи сингари бир қатор тадбирлар олдидан олимлар ва тадқиқотчилар архив ҳужжатларини ўргандилар ва ўзлари учун керакли маълумотларни олдилар. Архивдан олинган ва эълон қилинган маълумотлар юртдошларимизда Ватан тарихига бўлган қизиқишни янада орттириши, шубҳасиз. Шунингдек, бу ерда Туркистон генерал-губернаторининг Бухоро амири билан олиб борган музокаралари, мамлакатимизда илк пахта тозалаш заводларининг қурилиши, Қарши ва Шаҳрисабз ҳудудларидан ўтган темир йўллар ва улар орқали амирликка келтирилган қурол-яроғлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар сақланади.

Азал-азалдан Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатимиз жаҳон сайёҳларининг диққат марказида бўлиб келган. Шу боис архив материаллари билан танишсангиз, хорижлик олимлар ва дипломатларнинг юртимизга ташрифига оид ҳужжатлар, ёзишмаларга кўзингиз тушади. XVIII-XIX асрларда амирлик ҳудудида пахтачилик, чорвачилик, қорақўлчилик ва ғўза зараркунандаларига қарши курашиш, фойдали қазилмаларни излаб топиш, шаҳарсозликка доир изланишлар ва унинг натижалари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўласиз.

Умуман, Республика Марказий Давлат архивида бугунги кунда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан кўпгина изланишлар олиб борилмоқда. Шаҳар тарихига дахлдор манбалар ўрганилаётир. Аниқланган энг сара маълумотлар юртдошларимиз ҳукмига ҳавола этиляпти. Архив материаллари Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Марғилон сингари қадим шаҳарларимиздаги тарихий обидалар, осори-атиқалар унинг узоқ ва яқин ўтмишидан шоҳидлик беради ва тарихимизни ўрганишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Соҳиба РАЗЗОҚОВА,
Республика Марказий Давлат архиви бўлим бошлиғи.

Кўргазма

Ўз урф-одатини, аждодлар меросини ва миллий анъаналарини унутмаган халқлар, элатлар кўп. Бундай хислатларни авайлаб-асраган элда ориятли ғурур баланд бўлади. Шунинг учун ҳам юртимизга ҳар куни ташриф буюраётган минглаб сайёҳлар бошида дўппи ёки эгнида миллий либосларимизни кўриб қолсак, ғурурланиб кўямиз. Ўз ўрнида чет эллик меҳмонларнинг чеҳраларида халқимиз анъаналарига ҳамда миллий кийимларига бўлган чексиз ҳурмат ва ҳавасни ҳис қиламиз.

ДЎСТ БОШГА ҚАРАЙДИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тасвирий санъати галереясида эса шу кунларда "Ўзбекистон дўппилари" деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда. Бу ерга келувчилар сонининг кун сайин ортиб бораётгани миллий кийимларимизга қизиқиш катталигини кўрсатади.

Дўппи тикишнинг ҳам ўзига хос услуби бор. Унинг ҳар бир чоки, безаги, тузилишию гул бичимида бир олам маъно мужассам. Шунинг учун ҳам дўппидўзликда маҳорат, қунт-ҳафсала ва сабр-тоқат талаб қилинади. Жамият, турмуш тарзи ва шарт-шароитининг ўзгариб туриши дўппиларнинг шакли ҳамда безакларига ҳам таъсир кўрсатган. Музейда турли даврларга оид эркаклар, аёллар ва болалар дўппиларини учратиш мумкин. Уларни кўздан кечира туриб, чеварларимизнинг моҳирлигига беихтиёр қойил қоласан, киши.

Тошкент дўппиларининг ранг-баранглиги диққатэътиборни тортади. Улар орасида, айниқса, "Ироқи" чоки машҳур бўлиб, бунда дўппининг асосий қисми оқ ипак билан тикилган ва атрофи қизил гулда безатилган. Тўқ рангли бахмалдан тикилган ва турли рангдаги ўсимлик нақшлари билан безатилган дўппилар ҳам кишида қизиқиш уйғотади.

Маълумки, машҳур Чуст дўппилари азал-азалдан эркаклар орасида кенг тарқалган. У бошқа дўппилардан асосан оқ ипакда тикилган тўртта "қалампир" нусхаси билан фарқланади. Айтиш жоизки, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ана шу хислатларни мужассам этган ўзига хос дўппилари бор. Машҳур Чуст, Андижон, Марғилон, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд дўппилари бир-бирини такрорламайдиган жиҳатлари билан томошабинларни ҳайратлантирмоқда.

— Ўзбекистон тарихи давлат музейи хазинасида 300 дан ортиқ дўппиларни ўзида жамлаган коллекция мавжуд бўлиб, улар 130 йилдан бери йиғиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси директори ўринбосари Раҳима опа Азимхўжаева. — Биз бундан фойдаланиб, асосан ХХ асрга мансуб ўзбек миллий дўппиларидан ташкил топган 148 та экспонатни томошабинлар эътиборига ҳавола қилаяпмиз.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда республикамизнинг кўплаб бадиий буюмлар тайёрлайдиган корхоналарида ҳамда чеварлар томонидан турли хилдаги дўппилар тайёрланмоқда. Уларда қадимий анъаналардан ва безаклардан кенг фойдаланилмоқда.

Кўргазмани ташкил этишдан мақсад ҳам, аслида, ёш авлод қалбида миллий кийимларимизга меҳр уйғотиш ҳамда уларнинг қизиқишларини янада оширишдир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрида барча коммунал кўрсатиш хизматлари, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташкилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объектлар, муҳандислик тармоқларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус марказ доимий фаолият юритади.

Сизнинг таклифларингизни инобатга олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ якунлаш, шунингдек, аҳолини куз-қиш мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида уй-жойлар тасарруфида аниқланган барча камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида янги ташкил этилган ва куну-тун фаолият юритувчи диспетчерлик хизматига **0-55** телефони орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

Мурожаатларингиз бўйича аниқланган барча камчиликлар юзасидан тезкор чоралар кўрилади.

Ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита аҳоли билан бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ишларимизда кутилган натижаларга эришишга асос бўлади.

Тижорат билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар диққатига!

ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

қуйидаги асбоб-ускуналар хариди юзасидан танлов эълон қилади:

1. **пахта толаси сифатини таҳлил қилувчи 1 тўплам (комплект) (HVI) лаборатория ускунаси;**
2. **80 та механик ёки электрон тарози (оғирлик ўлчови 100 кг., аниқлиги 50-100 гр.).**

Танловда иштирок этувчилар ўз таклифларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари лозим: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй, 342-хона.

Маълумот учун телефонлар: 135-78-93, 142-52-01, 142-29-53.

Таклифлар 2006 йил 26 сентябргача қабул қилинади.

«ХИМОЯ ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

Турли мураккабликдаги хўжалик низолари

корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш

Ҳужжатлар лицензиялаштирилган

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА
Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Ҳамтовоқ гиёҳфурушлар

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг тезкор ходимлари томонидан Учтепа туманидаги хонадонлардан бирида чинозлик Абдужалол Пирназаров 1 кг. 100 гр. героин билан қўлга олинди. У олдин ҳам кўп миқдорда наркотик модда билан ушланиб судланган эди.

Тадбир давомида Абдужалилнинг жиноий шериги — тожикистонлик Мулоиди Қурбонов ҳам Олмалиқ шаҳридаги хонадонлардан бирида қўлга тушди. Тан олишларича, икковлон ушбу героинни 1600 АҚШ долларига пулламоқчи бўлишган экан.

Ўғри маҳалладошинг бўлса...

Янгийўл туманида яшовчи А.Мамасолиеванинг уйига тунда бостириб кирган номаълум киши унинг бошига халта кийгазиб қўйиб, 6 хил турдаги заргарлик буюмларини олиб кетган эди. Тезкор чора-тадбирлар туфайли бу жиноятни жабрланувчининг маҳалладоши А.Асилбеков содир этгани аниқланиб, у қўлга олинди.

Тунги тошотарлар

Кечаси Нарпай тумани ҳудудидан ўтиб бораётган «Навоий — Тошкент» йўналишидаги «Мерседес-Бенц» автобусига номаълум кимсалар томонидан тош отилди. У йўловчи Д.Сафаровнинг бўйин қисмига келиб тегди. Оқибатда жабрланувчи касалхонада жон берди.

Қидирув ишлари натижасида тошотарлар топилди. Улар ўрта мактабнинг 6 ва 10-синф ўқувчилари У. ва Ш. бўлиб чиқди...

Қотил аёллар

Избоскан туманида Пайтуғ шаҳри марказидан ўтган темир йўл ёқасидан 45 ёшлардаги эркак кишининг юз қисмига ўткир тиғ билан жароҳат етказилган жасади топилди. Тезкор қидирув ишлари жараёнида қотилликда гумон қилинган Зарифа ва Матлуба исмли аёллар ҳибсга олиндилар.

Дастлабки суриштирувда маълум бўлишича, жиноят ўзаро жанжал туфайли содир этилган экан.

Бузоқнинг югургани

Ҳеч жойда ишламайдиган С.Вадим, Ш.Дмитрий ва В.Ражаб Тошкент шаҳрининг Чўпонота кўчасида кетаётган А.Аҳмеджоновга куч ишлатиб, унинг пулларини олиб қўйишди. Аммо улар шум ниятларига эришолмадилар. Шу атрофда хизмат вазифаларини ўтаётган ички ишлар бўлими ходимлари уларнинг йўлини тўсиб чиқишди.

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИБ матбуот маркази ходими, майор.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

KLPT ИМТИҲОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Korean Language Proficiency Test

Имтиҳон куни — *2006 йил 29 октябрь.*

Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — *2006 йил 1 сентябрь.*

Ҳужжат қабул қилишнинг охирги куни — *2006 йил 30 сентябрь.*

Ҳужжат қабул қилиш жойи — *Ўзбекистон,* Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфия-хоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» тест маркази.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 142-45-80.

Корея Республикаси олий ўқув юртларида ўқиш ҳамда Кореяга ишга борувчилар учун.

http://www.klpt.com

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси кимё, металлургия ва нефть-газни назорат қилиш бўйича инспекция ходими Абдумажид Жўраевга отаси **МАННАФ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 20.30 12345